



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 193 (9689). • 1989 йил 12 октябрь • пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ЛОЙИХАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилди: Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонун лойиҳаларини тайёрлаш, миллиятлараро муносабатлар ва интернационал тарбия масалалари, халқ маорифи ва маданият доимий комиссиялари томонидан Ўзбекистон Совет Социалистик

Республикасининг «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳофазаси давомида тушган таклифлар ва мулоҳазалар асосида қайта пухта ишлаб чиқилганини ва янги ҳақида Президентга тақдим этилганини маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қайта пухта ишлаб чиқилган Қонун лойиҳасини ўн биринчи қақриқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн

биринчи сессиясида кўриб чиқиш ва аҳолининг танишиши учун мабтуотда эълон қилиш зарур деб топилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕҚҮЛБЕКОВА.
Тошкент шаҳри.

ЛОЙИҲА

ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ўзбекларнинг тарихий Ватанидир. Республика шунинг билан аталади. Ўзбекистон ўзбек миллиятининг асосий қисми яшайдиган, асрлар давомида ривожланиб келган (туркий) тили тўла давлат муҳофазасига олиниши лозим бўлган республикадир.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили тўғрисидаги ушбу Қонун республика заминидан (ҚАССР) бундан муқаддасроқ давлат тили сифатида расман қўллашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Қорақалпоғiston АССР ўз заминидан тилга оид барча масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон ССР граждандари, қайси тил уларнинг она тили эканидан қатъий назар, тенгликдир.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши республикада яшовчи бошқа миллият ва элларнинг ўз она тилларини қўллашдан иборат конституцион ҳуқуқларига мусулман қилмайди.

Ўзбекистон ССР граждандарининг республика давлат тилини, чет тилларни ўрганишга бўлган иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлади.

Ушбу Қонун нормасини муомалада, ҳарбий қисмларда ва диний маросимларда қўлланилган тилларга таъбиқ этилмайди.

1-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон ССР ўзбек тилини бутун чоралар билан ривожлантиради, сиёсий, илмий, иқтисодий ва маданий ҳаётини барча соҳаларида тўлиқ қўллашни таъминлайди.

2-модда. Ўзбек тили ўзбек халқининг маънавий мулкидир. Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тараққий этиши, қўллаш ва муҳофазасини ҳар томонлама таъминлашга оид барча масалалар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ваколат доирасига кирди.

Ўзбекистон ССР муқаддас ва тенг ҳуқуқли республика сифатида ўз заминидан тилга оид ҳар қандай масалани ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

3-модда. Ўзбекистон ССР ўз территориясида яшовчи барча миллият ва эл тилларининг ҳурмат қилиниши таъминланади ҳамда бу тилларнинг ривожланишига шарт яратлади.

Ўзбекистон ССР ўз территориясида рус тилидан СССР халқлари ўртасида муомала тили сифатида эркин фойдаланишни таъминлайди.

лат вакиллари уюшиб яшайдиган жойларда маҳаллий аҳамиятга молик ҳужжатлар республика давлат тилида ва мазкур тилларда қабул қилинади ва эълон этилади.

8-модда. Ўзбекистон ССРда муассаса, корхона, ташкилот ва уюшмаларда иш юритиш республика давлат тилида олиб борилади.

Меҳнат аҳлининг қўйилган ўзбек тилини билмайдиган корхона, муассаса, ташкилот ва уюшмаларда иш юритиш республика давлат тили билан бир қаторда рус тилида ёки бошқа тилда ҳам олиб борилиши мумкин.

Ушбу корхоналарнинг раҳбарлари ўз хизмат вазифаларини бажариш учун етарли даражада республика давлат тилини билишлари шарт. Бундай корхоналарнинг рўйхати район, шаҳар Советларнинг таклиф-дароҳоти асосида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан белгиланади.

Умумийтироқ тасарруфидан корхоналарда иш юритиш республика давлат тили билан бирга рус тилида олиб борилади.

9-модда. Ўзбекистон ССРда қорхона, муассаса ва ташкилотларда ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари республика давлат тилида, зарур ҳолларда рус тилида тайёрланади, республикадан ташқари янвалидан ҳисобот ва молия ҳужжатлари эса рус тилида ёки тегишли томонга маъбул тилда ёзилади.

10-модда. Ўзбекистон ССРда техник-лойиҳа ҳужжатлари республика давлат тилида тайёрланади. Бюро-машининг таклифига кўра республика давлат тили билан бирга рус тили ва бошқа тилларда тайёрланиши мумкин.

Республика ташқи-иқтисодий ва республикалараро симпозиумлар, конференциялар, кенгашлар ва йиғинларда республика давлат тили ва мажлис ахли тилдан ташқари рус тилида ҳам олиб борилади.

11-модда. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруш ташкилотлари умумийтироқ ташкилотлари билан муносабатда республика давлат тили ва рус тилини қўллайдилар. Иттифондош ва автоном республикалар, хороний давлатлар билан бўладиган муносабатларда республика давлат тили ёки томонлар учун маъбул тил қўлланади.

12-модда. Ўзбекистон ССРда судлов ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилади. Суд ишлари олдидан берилаётган тили судда қатнашуви нишилар биланга тақдирда бу кишилар учун таржимон орқали ишга оид материаллар билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш

ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Ўзбекистон ССР давлат ҳакамлиги (арбитраж) маҳкамаларида муассаса, корхона, ташкилот ва уюшмалар ўртасидаги ҳужжатлик ишларини кўриб чиқиш, ҳал қилишда республика давлат тили қўлланади.

Зарур бўлганда рус тили қўлланиши мумкин. Ўзбекистон ССР ва бошқа республикалар муассасалари, корхона ва ташкилотлари ўртасидаги ҳужжатлик ишларини кўриб чиқиш, ҳал қилишда рус тилида ҳам олиб борилиши мумкин.

Ўзбекистон ССР давлат тарбия ва таълим ташкилотлари умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юрталарида ва олий ўқув юрталарида рус тилини қўллаш шарт. Бу фақатдан битирув имтиҳони тоширилади.

Республикадаги барча ўқув юрталарида Ўзбекистон тарихини ўқитиш таъминланади.

18-модда. Ўзбекистон ССРнинг ҳунар-техника билим юрталарида, ўрта махсус ва олий ўқув юрталарида, улар қайси министрилик ва маҳкама тасарруфидан бўлишидан қатъий назар республика давлат тилида барча ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлаш таъминланади. Зарур ҳолларда ўқиб турган мазкур тилда ҳам олиб борилади.

Ўзбекистон ССРда ўзбек тилида мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш таъминланади. Зарур ҳолларда бошқа тилларда ҳам мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш таъминланади.

20-модда. Ўзбекистон ССР илм-фаннинг ҳамма соҳаларида республика давлат тилида ривожлантириш учун лозим бўлган барча шарт-шароитни яратиб беради. Республикада илмий ишчи республика давлат тилида

тақдим этиш, химоя қилиш ва нашр этиш ҳуқуқи таъминланади.

17-модда. Ўзбекистон ССР дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган бўлиши таъминланади, бу фақатдан битирув имтиҳони тоширилади.

Ўзбекистон ССР дарслар рус тилида ўтилмайдиган умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юрталарида, ўрта-махсус ва олий ўқув юрталарида рус тилини қўллаш шарт.

Ўзбекистон ССР давлат тарбия ва таълим ташкилотлари умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юрталарида, ўрта-махсус ва олий ўқув юрталарида рус тилини қўллаш шарт.

22-модда. Ўзбекистон ССРда чиқариладиган барча турдаги китоблар, газета ва журналлар, даврий хабарнома-лар (буллетенлар) асосан республика давлат тилида нашр қилинади.

23-модда. Ўзбекистон ССРда радио-телевизион тарихини тарбиялаш ва оқибатда республика давлат тилида нашр қилинади.

24-модда. Муассаса, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларининг расмий муҳралари, тамгалари (штамплари) иш қозғолари (бланкларининг) матралари республика давлат тилида бўлади.

25-модда. Муассаса, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларининг расмий муҳралари, тамгалари (штамплари) иш қозғолари (бланкларининг) матралари республика давлат тилида бўлади.

26-модда. Муассаса, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларининг расмий муҳралари, тамгалари (штамплари) иш қозғолари (бланкларининг) матралари республика давлат тилида бўлади.

27-модда. Муассаса, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларининг расмий муҳралари, тамгалари (штамплари) иш қозғолари (бланкларининг) матралари республика давлат тилида бўлади.

28-модда. Муассаса, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларининг расмий муҳралари, тамгалари (штамплари) иш қозғолари (бланкларининг) матралари республика давлат тилида бўлади.

29-модда. Муассаса, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларининг расмий муҳралари, тамгалари (штамплари) иш қозғолари (бланкларининг) матралари республика давлат тилида бўлади.

30-модда. Муассаса, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларининг расмий муҳралари, тамгалари (штамплари) иш қозғолари (бланкларининг) матралари республика давлат тилида бўлади.

31-модда. Муассаса, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларининг расмий муҳралари, тамгалари (штамплари) иш қозғолари (бланкларининг) матралари республика давлат тилида бўлади.

32-модда. Муассаса, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларининг расмий муҳралари, тамгалари (штамплари) иш қозғолари (бланкларининг) матралари республика давлат тилида бўлади.

33-модда. Муассаса, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларининг расмий муҳралари, тамгалари (штамплари) иш қозғолари (бланкларининг) матралари республика давлат тилида бўлади.

34-модда. Муассаса, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларининг расмий муҳралари, тамгалари (штамплари) иш қозғолари (бланкларининг) матралари республика давлат тилида бўлади.

35-модда. Муассаса, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларининг расмий муҳралари, тамгалари (штамплари) иш қозғолари (бланкларининг) матралари республика давлат тилида бўлади.

36-модда. Муассаса, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларининг расмий муҳралари, тамгалари (штамплари) иш қозғолари (бланкларининг) матралари республика давлат тилида бўлади.

дан ташқари республика давлат тилида бўлиши шарт.

Лавҳалар, эълонлар, нарх-номалар ва бошқа кўргазмалар ахборот воситалари республика давлат тилида ёзилади, озгани ахборот ўзбек тилида эълон қилинади.

Зарур ҳолларда бошқа тиллардаги таржимаси тақрирланади.

Ўзбекистон ССРда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ёрлиқлари, корхона белгилари, улардан фойдаланиш йўриқномалари (инструкциялар) ўзбек тилида битилган, зарур ҳолларда русча таржимаси илова қилинади.

Ўзбекистон ССРда ишлаб чиқариладиган барча турдаги товарларга асосан ўзбекча номлар берилади.

Мамлакатнинг бошқа республикаларидан ёки чет эллардан келтирилган маҳсулотни савдо ташкилотлари ёки товар тартибидан идоралар ўзбек тилида битилган йўриқномалар билан таъминлаши мумкин.

25-модда. Ўзбекистон ССРда почта-телеграф хабарлари тарбиялаш ва оқибатда республика давлат тилида нашр қилинади.

26-модда. Ўзбекистон ССРдаги шахарлар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар, бекатлар, тарихий обидалар ва бошқа жўрғой-территориал ўринларнинг, муассаса, корхона ва ташкилотларнинг номлари ўзбекча ягона миллий шаклда ёзилади.

Ўзбекистон ССРдаги шахарлар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар, бекатлар ва бошқа территориял нукталарга, муассаса, корхона ва ташкилотларга асосан ўзбекча ном берилади.

СССРдаги ва жаҳондаги жўрғой-территориал номлар ўзбек тилининг хусусиятлари ва миллий-тарихий аънаваларига мувофиқлаштириб олинади.

Ўзбекистон ССРда барча тарихий исмлар ва жой номлари халқнинг миллий бейлиги ҳисобланади, уларнинг дахлсизлиги таъминланади.

27-модда. Ўзбекистон ССР граждандари миллиятдан қатъий назар ўз исмининг (бир ёки бир неча), ота исми ва фамилиясининг (бир ёки бир неча) тарихий-миллий аънаваларига мувофиқ шаклда ёздириб ҳуқуқига эгадирлар. Исмлар, ота исми ва фамилияларнинг ягона тўғри шакли махсус маълумотномаларда кайд этилади.

Ўзбекча исмлар, ота исми ва фамилиялар бошқа тилларда берилганда аниқ чоғда, дундаги бошқа халқларга мансуб кишиларнинг исми, ота исми ва фамилиясининг ўзбек тилида берилганда, уларнинг асл ёзилиш хусусияти сақланиб қолади.

Исмлар, ота исми ва фамилияларини ёзишда ўзбек тилининг ифода ва таллафуз қонуниятларига риоя этилади.

28-модда. Ўзбекистон ССРда яшовчи тожиклар, қozoқлар, қирғизлар, туркманлар, татарлар, қрим-татарлар, уйғурлар, корейлар, меҳсети турклар, маҳаллий аҳолилар ва бошқалар миллий-маданий жамятлар ва марказлар тузиш ҳуқуқига эга.

Нам сонли миллий гуруҳлар учун умумий ўрта мактабларда ўз она тилини ўрганишга шарт яратилади.

29-модда. Ўзбекистон ССРда республика давлат тилига ва бошқа тилларга меъсмай ёки ҳусумат билан қараш таъқиқланади. Мансабдор шахсларнинг республика давлат тилини ёки аънаваларига муомала воситаси бўлган тили билан маънавий рўнқ қилиб, таклифлар, аризалар ва шикоятларини омондан ёки уларни кўриб чиқишдан бош тортиши таъқиқланади.

Граждандарнинг таълим-тарбия ва ўқиб-йилган арқили билан ташлаш ҳуқуқини амалга оширишга тўқинлик қилувчи ҳаракатлар ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг амадаги қонунилар белгиланган тартибда жабуоғарликка тортилади.

30-модда. Ушбу Қонуннинг министрликлар, идоралар, халқ депутатлари Советлари ва уларнинг иқроия комитетлари, муассасалар, корхоналар ва ташкилотларда бажарилиши учун маъсулият бевосита уларнинг раҳбарлари зиммасига юклянади.

Ушбу Қонуннинг жорий этиш бўйича таъбирларни белгилаш ва шунга боғлиқ бўлган барча ҳаракатлар муқдорини аниқлаш ҳамда йўналтириш Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Олий Советнинг Тил комиссияси зиммасига юклянади.

31-модда. Ушбу Қонун Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул қилган кундан бошлаб қучта қиради ва бошқача-бошқача жорий этилади. 5-, 8-моддалар ўн йил давомида тўла жорий этилади; 6-, 9-моддалар уч йил давомида; 18-модда 1990—91 ўқув йилидан; 24-модда 1991 йилдан жорий этила бошлайди. Қолган барча моддалар Қонун қучта қирган кундан бошлаб жорий этилади.

СЕССИЯ ҚУНДАЛИГИ

СССР Олий Советининг иккинчи сессияси 10 октябрда ўз ишнини давом эттирди. Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлисида чакана нархларни барқарор этишни қўшимча чоралари ва истеъмол бюджетини белгилаб берадиган асосий озиқ-овқат ва саноат молларига нарх белгилашни тақомиллаштириш тўғрисидаги масала муҳофизат қилинди. Финляндиядан сўнг (ушбу СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков иштирок этди) ҳукуматга ушбу масалани ишлаб чиқишни давом эттириш ва депутатлар кўриб чиқиши учун ўз таклифларини 1989 йил 1 ноябрга қилишни топшириди.

Кооперативларнинг савдо-харид фаолиятини ҳамда кооперативлар аҳолига сотадиган молларга (хизматга) нарх белгилашни тартибга солиш тўғрисидаги масалани муҳофизат қилиш чоғида ўткир баҳслар авж олиб кетди. Номма-ном овоз бериш йўли билан депутатлар СССР Министрлар Советига, СССР Олий Советининг қонуничилик, қонунийлик ва ҳуқуқтартибот масалалари комитетига, шунингдек, янқала паталанинг тегишли комиссияларига мазкур масалага доир қарор лойиҳасини СССР халқ депутатларининг таклифлари ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва уни келгуси ҳафтада СССР Олий Совети

ЯГОНА СИЁСИЙ КҮН

Олди дан
13 октябрда областимизда «Ҳозирги шароитда партиянинг миллий сиёсати» деган маъзуда ягона сиёсий кун ўтказилди. Ягона сиёсий кун арафасида област партия комитетида сиёсий докладчилар, идеология активлари ва област партия комитети аппарати ходимларининг миллиятлараро муносабатларни ривожлантириш, миллий сиёсатни янқилаш, тил тўғрисидаги қонун лойи-

ХАЛҚАРО

ЭКСПЕДИЦИЯ ОРОЛДА
«Биргаликда экспедицияларга чиқиб урушинг отини ўчирайлик!» — Совет-Африка-Замбия экспедициясининг шiori ани шундай, шу экспедиция қатнашчилари М'йноқ районуни келишди.
Бу халқаро экспедиция Тинчликни химоя қилиш Совет комитети, Американин «Совет» ва «Прожент рафт» ташкилотлари, «Тринитис» ҳаракатининг фаоллари уюштиришган. Програма икки босқичдан иборат: совет босқичида ўрта осиб дарёлари бўйлаб, Замбия босқичида Африка дарёлари бўйлаб сафарга чиқиш мўжзаланган.
Бизнинг фирмамиз бутун дунё бўйлаб, аввало



«ХОСИЛ-89»

«ХОСИЛ-89»

«ХОСИЛ-89»

ХИРМОНИМИЗ ТОБОРА ЮКСАЛАВЕРСИН!

Яна биринчи бўлишди

➔ БУКА. Утган кун район меҳнаткашлари хўжаликлар ўртасида пахта тайёрлашнинг бориши ҳақидаги маълумотни қизиқиш билан кўздан кечиришди. Бунинг сабаби бор эди. Илгирчи йили колхоз ўтган йилдан бу йил ҳам биринчи бўлиб талаба рапортига кимоз чекди.

1020 гектар майдонда деҳқончилик қилган колхоз ахли қабул пунктларига 2675 тоннадан зиёд пахта топширди. Бу ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Гектардан уйилган хирмон 26,2 центнерни ташкил этди. Пахтанинг 75 фоизи машиналар ёрдамида териб олинди.

Рақамлар... Бу рақамларни бунёдга келтирувчи деҳқонлар ҳазилакам тер тўкишнинг Табиатнинг нотантилигини мардондор энгишиди. Усишдан орқада қолган экинчи қалб кўрлари билан парварош қилишди. Уртинни вақтида беришди, сувини маромида қўйишди, қатор ораси пешма-пеш юмшатишди. Баҳор ва ёз бўйи амалга оширилган тадбирлар бугун ўзининг самарасини бериб турибди.

— Ҳозир кўпчилик колхозимиз сўнгги йилларда пахтачиликда қандай қилиб юқори натижаларга эришганлиги билан қизиқа бошлади, — дейди раис Қулмурод Иброҳимов. — Мен бунинг бош омилли меҳнатни ташкил этишдаги илгор усуллардир, дейишга ҳақиман. Мана икки йилдирки, колхозимиздаги барча пахтачилик бригадаларидаги иш оила ва коллектив пудрати асосида олиб борилмоқда. Ҳар ким ўз меҳнатига яраша моддий манфаатдор бўлмоқда. Таъбир жоиз бўлса деҳқоннинг арга бўлган эгалик ҳуқуқини тийлаш бошладик. Мана шуларнинг ҳаммаси уларнинг меҳнатга бўлган муносабатини ўзгартириб юборди. Зўра-зўраки далага чиқиб номинга кун ўтса

қабилда ишлайдиган кишилар йўқ бўлган. Ана шу тўғайли ўтган йилга нисбатан қоқок бўлган гўздан ҳам мўл ва сифатли ҳосил етиштирдик.

Ҳа, колхоз меҳнаткашлари бугун ўзларининг меҳнатларидан маънавий қониқиш ҳосил қилмоқдалар. Айниқса, Марям Мамадова, Расул Абдураҳимов, Азимбой Йўлдошев, Қўшор Юнусов, Умар Юсупов сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг коллективлари барчага ибрат бўлишмоқда. Бу бригадаларда ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар гектар ердан 28—29 центнердан пахта йиғиштириб олинди.

Бугунги дастлабки муваффақиятда механизаторлар кўшган ҳисса тўғрисида ҳам алоҳида гапирилмоқда. Улар ҳосилнинг 75 фоизини йегиб-териб бердилар. Уларнинг сардорлари Маҳкам Абдуллоҳов ва Боймон Турдубоевларнинг уйғун хирмони 110—115 тоннадан ошиб кетди.

Утган йили қўлда терилган пахтага янгича ҳақ тўлаш, теримчиларни ўз вақтида моддий рағбатлантириб бориш терим даврида катта самара берган эди. Бу йил ҳам ҳар килограмми пахтага 15 тиёнидан тўланмоқда. Шу тўғайли колхозчилар билан бир қаторда қишлоқ ахли ўз иктиври билан ҳосилни йиғиб-териб олишга кўмаклашмоқда. Уалд Юсупов, Уалд Мўминова, Расул Мавропова, Хурсаной Турдубоева сингари кўпчилиги килограммчилар ҳозирнинг ўзидаёқ хирмонга 8-9 тоннадан пахта тўкишди.

Далада ҳосил мўл. Уни сўнгги мисқоқига йиғиб-териб давлатга топшириш керак. Ҳозир бугун диққат-этибор ана шунга қаратилган. Ўз имкониятларини чамалаб кўрган колхоз пахтакорлари ҳосилдорлигини гектар бошига 32 центнерга етказишмоқчи.

Ф. МУҲИДИНОВ.



ВОТИНЦЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ ДАЛАЛАРИДА



➔ ИЛГАРИ хабар берган ниниздек, Оққўрғон районидagi Вотивцев номли колхоз пахтакорлари пахта тайёрлаш йиллик планини республикада биринчилар қаторида бажардилар. Дастлабки марра эгаланган бўлишига қарамай хўжаликда пахта терими уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Бу борада 5-бригада деҳқонлари кўпчилиikka ибрат бўлишпти. Коллектив аъзолари ҳозиргача 107 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан ошириб пахта йиғиштириб олдлар. Суратларда: бригада бошлиғи Шайх Бўрибоев (чапда ўртада) мусобақада энг юқори натижага эришган механизатор Урол Мухторовни табриқламоқда; колхоз далаларида машина терими пайти; навбатдаги бункер бўшатилмоқда.

Суратчи А. МАЛЪЦЕВ.

ТЕРИМ КУНДАЛИГИ

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 11 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(планига нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи усту — районлар; иккинчи усту — бир кунда тайёрланган; учинчи усту — мавсум бошидан буён; тўртинчи усту — машина терими — бир кунлик; бешинчи усту — мавсум бошидан буён.

Пясекег	3,90	80,36	4,05	84,12
Урта Чарчиқ	5,31	78,18	6,86	95,38
Оққўрғон	4,83	78,07	6,02	90,24
Бўка	5,26	75,90	6,44	89,14
Бекобод	4,97	69,02	5,10	69,30
Коммунистик	5,84	65,34	7,16	80,22
Чиноз	6,14	62,83	6,74	52,74
Яллага	6,84	52,82	8,32	63,18
Айгўл	5,75	51,13	5,98	43,96
Область бўйича:	5,31	69,49	6,25	76,77

Халқ хайрихоҳ

БАҲРИДАН ЎТИЛГАН МАЪҚУЛ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР территориясида кооператив ва яққа тартибдаги меҳнат фаолиятининг баъзи турларини таъқиқлаш тўғрисида»ги Фармони Со бир Раҳимов районидagi Мисин маҳалласи томонидан маъқуллаб кутиб олинди. Бу ҳужжат катта қизиқиш билан ўрнатилмоқда, у ҳақда фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Деярли ҳамма унда кооперативлар фаолиятини тартибга солишга қаратилган қондаларни қўллаб-қувватламоқда, айниқса, фақат совет кишиларининг ҳар қил меҳнати билан топган пулини «туя» қилишни, яъни кооперативларга фақат мўмай пул топши, бошқалар ҳисобига боийиш манбан деб қаровчиларнинг пайини қирқиниша қаратилганлигини мамнуният билан қайд қилмоқдалар.

Оиламиз даврасида бу фармонни қизиқиш билан ўқиб чиқдик, — дейди ўттиз йилдан ошқирок вақтдан бери ўқитувчилик қилиб келаётган Шарифа опа Мирзаҳамадова. — Биз ҳам кўпчилик қатори мамлакатимизда бошланган кооператив ҳаракатидан кўп нарсани кутган эдик. Турли мақсулотларга, ишлар ва хизматларга бўлган ва муттасил ошиб бораётган эҳтиёжнинг қондиришга катта кўмак беради, деб ўйлангандик. Лекин, у деярли сезилмади. Кутилгандек бўлмади. Энг ёмон, умумий овқатланши корхоналари — ошхоналар, кафелар ва шунга ўхшашлар ниҳоятда қўлайиб кетди. Ойнинг айтганда, улар халқимиз насибосини қирқидиган бўлиб қолишди.

Совети Президиуми Фармониди давлат корхоналари ишлаб чиқарган ёки узелдан сотиб олинган товарларни харид қилиш ва сотини ман қилишни қайд қилинган, — дейди «Узстроймеханизация» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг прораби Алишер Мирхамидов. — Бизнинг ушунга механикаторлар бунга тўла қўшимқоллар. Чунки давлат корхоналариди таъйинланган турли-туман кент истеъмол буюмларини олиб, қимматига сотувчи кооператорлар ҳам қўлайиб қолган эди. Тошкентдаги Олий бозорининг каттагина қисмида кооператорлар ўз мақсулотларини сотишди. Айниқса, нури-нурус бе-зақлар туширилган попил-дегил, ҳошиялар қадалан-дегил кийимлар кўп бўлади. Одий футболка ва майкага қандайдир суратларни тушириб, уларни беш-ўн бара-вар қимматга пуллашди. Давлат магазинларида икки сўм — уч сўм турайдиган бундай кийимларни расм-э-билан «бешатта» кооператорлар ўн беш сўм илтириб сўм беш туришди. Бунаки ҳам майла-я, ҳатто давлат корхоналари таъйинланган ва уч тиён турайдиган банка қопонини беш тиёндиндан сотишганнинг гувоҳи бўлганман. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Бунинг чўққонликдан бошқа нарса деб бўладими? Албатта, йўқ. Ўйлай-мики, янги Фармон кооператорлар ҳаракатидаги кўпгина номаъқулликларга барҳам беради. Бунинг учун ҳамма жойда кооператив ҳаракатини қатъий назорат остига олиш, бойлик ортириш қўйиша тушиб қолганларнинг баҳридан ўтиш лозим.

М. МАҲМУДОВ.

➔ СУРАТЛАРДА: хўжаликнинг 2-бригадаси кўпнинг килограммчилари Раъно Мавропова ва Насиба Сафарова пахтазорда. Бу илгорлар ҳар кун 130—140 килограммдан пахта теришмоқда; механик-ҳайдовчилар ўртасидаги мусобақада Маҳкам Абсаломов ҳамон пешқадамлик қилапти. Унинг ҳозиргача терган пахтаси 115 тоннадан ошди.



Суратчи З. ШОДИЕВ.

Мақуллаймиз, қўллаб-қувватлаймиз

ФИКРЛАР ОЙДИНЛАШДИ

МЕН ўз фаолиятини бошлагич синфларда дарс беришдан бошлаган эдим. Уша кезларда боғчаларда тарбияланди, биринчи синфга қадам қўйган ўғил-қизлар маълум вақтга ўзбек тилида сўзлашга қийинчиликлари сезардим. Чунки ён-атрофдаги барча болалар боғчаларда мангулотлар асосан рус тилида олиб бориладди. «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги Қонун лойиҳасида «Ўзбекистон ССР республикасининг ҳамма ерида ўзбек тилидаги мактабга тарбия муассасалари очилиши ташвишлайди» деган жумланни ўқиб, беихтиёр қувондим. Чунки бола бошидан тилга меҳр қўйса, ўз миллати урф-одатларини яхши билса, бошқа тилларни ҳам хурмат қилади. Лойиҳанинг 17-моддаси ҳам маъқул. Унда дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юрталарида ва бошқа ўқув даргоҳларида ўзбек тилини ўқув

планига киритиш ва бу фондани битирув имтиҳонини олиш кўзда тутилган. Бу таъбир ўзбек тилини қадрлашга, республикамизда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакилларининг бу тилга хурматини оширишга олиб келади.

«Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг барча қатори мактабимиз муаллимлари ҳам чуқур ўрганиб, унинг моддаларини ҳар томонлама маъқул кўришмоқдалар. Бу моддаларда ўзбек тилини ривожлантириш билан бирга барча миллат ва элат тилларини хурмат қилишга даъват этилган. Биз дастлабки дарслардаёқ ўқувчиларни қонун лойиҳаси билан таништиришга кириндик.

Ҳ. АБДУФАТТОХОВА,
Со бир Раҳимов районидagi 196-ўрта мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

ҚОНИҚИШ БИЛАН

ЎЗБЕКИСТОН Совет Социалистик Республикасининг «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги қонун лойиҳаси билан танишиб чиқиб, қониқиш ҳосил қилдим.

1-моддада «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» дейилгани жуда тўғри. Кейинги моддалар ҳам шу асосда ёзилган.

6-моддада айтилгандек, съезд, пленум, курултой, сессия, конференция, қўйиники, барча мажлис ва йиғилишлар давлат тилида ўтказилиши керак. Шу пайтгача барча йиғилишлар фақат рус тилида ўтказилар ва рус тилини яхши билмаганлар 3, 4 совтаб давом

этадиган йиғилишларда зерикиб, мударб ўтиришарди. Бирон бир фикр билдиришни истаганлар рус тилида гапиролмаслиги тўғайли индамай қўя қолишарди.

Шу ерда бир нарсага тўхталмоқчиёмиз. Сўзларни иложини борича ўз она тилимизда қўллашга ҳаракат қилиямиз. Лекин айрим байналмилал сўзлар борки, уларни ўзбекчелаштириб бўлмайди. Шунинг учун етук тилшунослар, олимлар ҳақиқорлигида қайси сўз қандай қўлланиши кераклиги ҳақида лугат чиқарилса айни мударо бўларди.

Саноат МЕЛИХҲАЕВА,
пенсционер, сойқ ўқитувчи, Тошкент шаҳри.

КАТТА ВА ДАДИЛ ҚАДАМ

«ТИЛ — МАДАНИЯТ КЎЗГУСИ», — дейди халқимиз. Унинг ҳар томонлама мукамал, соф бўлиши учун эса алоҳида эътибор зарур. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг матбуот-даъво қилинган «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги қонун лойиҳаси айни мударо бўлди. Лойиҳада халқ талаби қондирилди, тиллар ҳақида эмас, ягона тил тўғрисида фикр юритилганининг ўзи катта гап.

Мен бу қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлайман. Тўғри, ҳали қонун сифатида қабул қилингунча,

унга баъзи жузъий ўзгаришлар киритилиб, лойиҳа матни янада тўлдирилиши, такомиллаштирилиши мумкин. Лекин макуур лойиҳанинг араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувини ўргатиш ҳақидаги 18-моддаси ва 31-модданинг шу модда билан боғлиқ банди ҳеч қандай ўзгаришсиз қонунга киритилишини истардим. Ахир маданиятимиз тарихини ўргатиш учун қўйган энг катта ва дадил қадамимиз ҳам шу бўлади-да!

Н. ЮНУСОВА,
ТошДу филология факультетини талабаси.

ДНЕПР СОҲИЛЛАРИДАГИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ

Украина турк тилларида сўзловчи халқларининг Киевда ташкил этилган республика маданият маркази (РММ) фаоллари ўрта Осиёдан келган меҳмонларни ўзбекча ва унга қардош бўлган бошқа тилларда таъриқлаб кутиб олишди. Марказ юзқаб одамларини — республиканинг турк тилларида сўзловчи аҳолисининг амалда барчасини ўз атрофида тўлади. РММ правленеис раисининг ўринбосари С. К. Уринкаев ана шу янги ўзини ўзи бошқарилган жамоат ташкилотининг мақсади ва вазифалари ҳақида сўзлаб берди.

— Днепр соҳилларида ўзбек, татар, қозоқ, озарбайжон ва бошқа Шарқ тилларида сўзлайдиган 20 га яқин миллат ва элат вакиллари яшайди. Уларни бириктириш, миллий ўзлигини аниқлаштириш, маданият ва

урф-одатларини авайлаб-асраш маданият марказимизнинг асосий вазифасидир. Унинг қондасида миллатларaro муносабатларини такомиллаштириш, байналмилал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш масалаларига катта ўрин берилган.

Украина ССРнинг туркий тилларида сўзловчи халқлар республика маданият марказини қардош республикаларнинг Украинадаги тўла вакиллиги бўлиб қолади, улар ўртасида дўстлик ришталарини боғловчи бўлишга айланади, туғилган ерларидан узоқда яшаётган ва туркий тилларида сўзловчи аҳоли гуруҳларининг маънавий эҳтиёжларини ҳар томонлама қондиришга қаролат бўлади. Украина диёрида туркий тилларида сўзловчи халқларнинг миллий маданиятлари фести-

валларини ўтказиш, кўрғазмалар ва ижодий учрашувлар, концертлар ва муҳим тарихий саналарга, Шарқ халқларининг атоқли навоиларининг бадиҳаланган байрамлар ташкил этиш режалаштирилган. Бу украин жамоатчилигини халқларининг қадимий ва бой маданияти билан кенгроқ таништиришга, ишонч ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга шубҳасиз имкон беради.

Ўрта Осиё, Қозоғистон ва бошқа миқтақалар туб аҳолисининг анъаналари ва урф-одатларига нисбатан қизиқиш уйғотади.


Биз миллий чегараланиш, миллий муносабатлар ўтириқларининг сабабларидан бири аҳолининг асосий қисми у ёки бу халқнинг тарихий ривожланишини, маданий анъаналарини, ўзига хос хусусиятларини яхши билмаслигиди деб ҳисоблай-

миз. КПСС Марказий Комитетининг миллатларaro муносабатлар масалаларига бадиҳаланган Пленумида шу борада туб ўзаришлар зарурлиги таъкидланган эди. Иккимоат ташкилотимизнинг мақсади ҳам шундан иборат. Бинобарин, РММ ўрта Осиё республикалари билан қалин алоқа ўрнатмаса, улар марказга ердан бермасалар ва қўллаб-қувватламасалар, бу мақсадни рўёбга чиқариш қийин бўлса керак.

Биз Ўзбекистон ва бошқа республикаларнинг жамоатчилигини ташкилотимизга ҳар томонлама ёрдам беришларини сўраб, муносабат қилишимиз. Украина туркий тилларида сўзловчи халқларининг республика маданият марказига коллектив равишда аъзо бўлишга, унинг муносабатларини бўлишга, бирга ишлашга тайёр турган корхоналар, ташкилотлар ва ко-

оперативлар топиллишига умид қиламиз. Ботан маданият ва маърифат соҳасида — муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун таъриқлаш муаллимлар ва мутахассислар, қўлланмалар ва бадий адабиёт кутубхоналари, клублар учун хоналар, уларнинг ускуналари ва бошқа қўллаб-нарсалар зарур бўлади. Мустақил моддий асос керак, унингсиз Днепр соҳилларида яшаётган туркий тилларида сўзловчи аҳолининг миллий ўзлигини аниқлаштириш қайта тиклаш ва маънавий ривожлантириш жараёни анча сустлаштириш мумкин. Марказнинг шаклланишига ёрдам бериши хўжалик бўлган барча кишилар СССР уй-жой социал банкнинг Киев шаҳридаги Печерск бўлимида оқилдан 609472 рақамли ҳисоб дафтаридаги ўз хиссаларини қўлишлари мумкин. Бизнинг адрес: 252001, Киев-1, Крещатик кўчаси, 8, МФО 32209. Биз билан ҳамкорлик қилишга таклиф эта-

(ЎЗАТ).



ШИФОХОНАДА ЕДГОРЛИК

ПОИТАХТИМИЗДАГИ Семашко номидаги илмий-тадқиқот институтида турли хасталикларни даволаш бўйича самарали ишлар оlib бoрлямоқда. Бу муассасанинг келинган йилларда моддий базаси анча мустаҳкамланди.

Суратчи З. ИСМОИЛОВА.



Ғалаба районида

«ЧОРВАДОР» КООПЕРАТИВИ

КООПЕРАТИВНИ ҳамма ҳар хил тушунади. Айримлар ўз маҳсулотини истаган нарҳда пуллаб, мўмай даромад орттириш, деб ўйлашади. Чунки ана шундай даромад кетидан қувватли кооперативчилар оз эмасди. Аслида эса улар маҳсулотининг нарҳи давлат маҳсулотлари нарҳидан деярли фарқи қилмаслиги керак. Шу туғайли ҳам қўнчилик кооператив маҳсулотини харид қилиш у ёқда турсин, унинг қиянига ҳам бормайди.

Дмитров номидаги колхоз фермасида ўтган йилнинг ноябрь ойида «Чорвадор» оилавий кооперативи тўзилди. Фермада сотиб олинадиган сўтнинг учдан бир қисмининг шулар бериши шунингдек, Тўртқўл райони аҳолисинга ҳам сўт сотишмоқда. Дастлаб ҳар кун 50 килограмм сўт сотиб олинган соғувчилар ҳозир 400 килограммга сўт сотиб олишгапти. «Чорвадор» кооперативи совхоздан 39 минг сўм нарз олган.

Молхонада ҳозир 30 бош сиғир ҳамда 30 бош бузоқ бўлимоқда. Шунинг ҳам айташ керакки, колхоз сиғирларининг ҳар биридан 10—12 литр сўт соғиб олинаётган бўлса, кооперативчилар ҳар сиғирдан 15 литрдан 27 литргача сўт соғиб олишмоқда.

Уларнинг ишида муаммолар ҳам йўқ эмас. Кооператив аъзоларининг сўт соғувчи аппарат сотиб олиш учун бормасан жойлари қолмади. Қўғоқозлик учурининг тиқашчиси ет-ҳашак таберлаш учун колхоз уларга бор-йўғи 10 гектар ер ажратган. Бу 60 бош қорамолни боқиб учун кам. Агар ана шу муаммолар ижобий ҳал этилса кооперативчилар келтириётган фойда янада самаралироқ бўлади.

Р. ИНОҒОМОВА.

«ГУЛУРУХ» ХИЗМАТДА

РАЙОН маданият уйи ҳузурда ташкил этилган бадий ҳаваскорлик ансамблига Қамбар Зоиров бошчилик қилади. Айни кунда ушбу коллектив колхоз-совхозларда бўлиб, дала меҳнат-кашлирига маданий хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари маданият уйи автоклуб, кўча кутубхона ташкил этган. «Билим» жамияти докторлари ҳам теримчилар ҳузурда маш-тез бўлишмоқда. Район маънавий хизмат кўрсатмаси эса далаларга сартарош, этикдўз ҳамда сураткашларни юбояяпти. Район матбуот жамияти кўча савдо хизмати кўрсатмоқда.

О. СЅИХОНОВА.

Янгийўл янгиликлари

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

ШАҲАРДАГИ қишлоқ хўжалиги деталлари таърибга энгеришнинг зарурлиги учун 140 ўринли янги боғча қуриб берилди. 221 минг сўм маблағ сарфланган боғча биносининг 160-кўча механик заъиялашган колонна қурувчилари бунёд этиши...

ДИ. Замонавий бу масканда кичкинтойлар яшай ўсиб, тарбияланишмоқда.

ХИЗМАТНИНГ ТЕЗКОР УСУЛИ

ШАҲАР маънавий ишлаб чиқариш бirlашмасига қарашли «Саодат» ательесинда хизматнинг янги тури жорий қилинди. Бу ерда буюртмачи...

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

НОН маҳсулотларни бirlашмаси «Гулбаҳор» посёлкисинда ўзининг фирма магазинини очди. Унинг биносини шаҳардаги кооператив қурувчилар бригадаси барпо этди. Магазига ҳар кун икки марта иссиқ, бўрсиқдоқ нонлар келтириб турилади. Р. АБДУҚАЙМОВА.

ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

ЯНГИЙЎЛ районидagi «Коммунизм» колхозини пахтакорлари еттиштирилган ҳосилни нест-нобул қилмай йиғиштириб олиш учун меҳнат қилмоқдалар. Қуни кеча колхознинг Фрунзе участкасига бир гуруҳ шоирлар ва санъаткорлар ташриф буюриб, пахтакорларнинг тушунли йилги қўнчилиги ўтишига ҳисса қўшдилар. Ж. Жабборов, И. Г. ХУСАНОВА.

Маҳмуд, Н. Рашидовалар ўқиб берган шеърлар, М. Турғубоева номидagi «Баҳор» давлат халқ рақс ансамблининг хонандаси Э. Рўзметов, Ш. Дўстмухамедова, О. Еқубова, созандалардан Н. Турраҳўжаев ва И. Ҳамдамовлар яқиндаги қўшиқлар, рақслар, қуйлар меҳнаткашларини хушнуд этди.

Редакцияга хат

БИЗНИНГ ТАЛАБИМИЗ

БИЗ «Бошлиқ» массивида истиқомат қиламиз. Яқинидаги 25- ва 32-маршутли таксилар ўтди, лекин уларга чиқиб, манзилга етиб олишнинг иложи йўқ. Бунинг учун ёки Воқзал, ёхуд Олой бозори тарафга бориш керак. Яхшигина қатнаб турган 32-автотўсишни Жануабий вокзалдан Эски Жувага Ивановлик тўдувчилар кў...

часи орқали юрадиган бўлганда бундан манзилга етиб олишга қўнчилигимиз. Талабимиз — «Бошлиқ» массивини Эскишаҳар билан Богдан Хмельницкий кўчаси орқали боғлайдиган янги маршрут очилса ёки 32-автотўсишни яна эски йўлга қайтарилса. У. МАҲМУДОВА.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. Суратда: Ҳамза районининг Ғалаба массивида қурилган янги қўн қаватли уй-жой бинолари.

Суратчи М. НУРИДИНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

14 октябрь соат 16.00 да, 15 октябрь соат 12.00, 15.00 ва 18.00 да, 16 октябрь соат 19.30 да ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

АЖОЙИБ ЦИРК-ШОУ-АТРАКЦИОНИ

ТОМОШАЛАРДА, «ЗВЕЗДНИЙ ДЕБЮТ» ПРОГРАММАСИ, шуниингдек

«МУШУҚ УЙИ ВА «ДОКТОР АИБОЛИТ»

программаларининг артистлари ИШТИРОК ЭТАДИЛАР

Қим ошди савдоси пайтида «Семурғ» акционерлар жамияти ва «Совластатал» фирмаси томонидан тақдими этилган чет эл маҳсулотлари қим ошди савдоси ўтказилди.

ЦИРКЛА ШОШИЛИНГИ!

СИЗЛАРНИ ОРЗИҚИБ КУТАМИЗ!

Оқидан билетлар сотиш кассаси очилди. Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади. Справкалар учун телефонлар — 44-35-84, 44-35-91.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ

редукторлар, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг эҳтиёт қисмларини, Т-2, Т-3 узелларини ва 170/180 сурилмайдиган транспорт қўнчилигини

СОТАДИ

Телефонлар — 48-03-61, 48-16-24. Адрес: Тошкент шаҳри, 57-алоқа бўлими, Уста Ширин кўчаси, 117-уй.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШТИРИШ УЗ-БЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЕШЛАР УЙ-ЖОЙ КОМПЛЕКСЛАРИ (МЖК) МАРКАЗИ

КЕЛАЖАҚДАГИ ИШОНЧЛИ ШЕРИҚДИР

Ешларнинг уй-жой комплекслари маркази сизларнинг ишлаб чиқариши ёки тадқиқот ишларини ривожлантиришга тўққинчи қилувчи муаммоларинингизни ҳал этишга доим тайёр.

Давлат ташкилоти — Ешларнинг уй-жой комплекслари маркази билан ҳамкорлик қилиш сизларни хўжалик шартномалари тузиш ва шартнома ишларининг бажарилиши устида назорат қилиш билан боғлиқ барча муаммоларда халос этади.

ЕШЛАРНИНГ УЙ-ЖОЙ КОМПЛЕКСЛАРИ МАРКАЗИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

БУ — энг юқори иш ҳақи фонди; юқори малакали ёрдам; юксак сифат ва самарали тўлиқ кафолатидир.

ЕШЛАРНИНГ УЙ-ЖОЙ КОМПЛЕКСЛАРИ МАРКАЗИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ:

уй-жой, граждон, сановат, транспорт, қишлоқ хўжалик объектлари ва лойиҳа-изланиш ишларини олиб бoриш билан бирга бошқа турдаги қурилишлар учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлайди; ресми-қурилиш, бадий-бeзаш ишларини бажаради; ишлаб чиқаришнинг барча маҳсулларини ишлаб чиқаришда халқ илмий-тадқиқотлари ишлаб чиқариш шакли ва мин-ЭЖМларини, уларнинг комплектига кирувчи буюмларни харид қилади, уларнинг базасида ПЭЖМ, илгич станцияларини, ҳисоблаш комплекслари тармоқларини барпо этади, уларни созлайди ва техника хизмати кўрсатади;

планлаштириш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари, автоматлаштирилган илгич уриллари (АРМ), лойиҳалаштиришнинг автомат системалари (САПР)ларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

марказ томонидан ишлаб чирилган автоматлаштирилган системалар ва техника воситалари комплексларига кафолат хизмати кўрсатади; раҳбар ҳодимлар, инженер-техник ҳодимлар ва хизматчиларнинг малакасини ошириш ва қайта ўқитиш планининг аҳволини таҳлил этади ва ишлаб чиқади;

Марказнинг замонавий техника, юқори малакали мутахассислар билан таъминланганлиги, шунингдек шартнома баҳоларига қўн энг юқори иш ҳақи буюртмаларининг энг қисқа муддатларида бажарилишига кафолат беради.

Ўзининг қизиқтирган саволлар юзасидан ва имконияти бўлган ҳамкорлигининг бошқа формаларини муҳокама қилиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилишинингизни сўраймиз: 700000, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 21-уй («Дўстлик» ресторони қаршида, Навоий кўчаси томонидан қилинади). Справкалар учун телефон — 33-29-50.

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА ШАХСИЙ ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАРИ БУЛГАН КИШИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТОН» КООПЕРАТИВИ

енгил автомобилларнинг ойналари ва уй-рўзгор ойналарига раи-тусе бeриш (қоронғилантиш) юзасидан

ПУЛЛИК ХИЗМАТ КўРСАТАДИ

Бажарилган иш учун шахсий кишилар нақд пул тариқасида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлайди.

«ТОН» КООПЕРАТИВИ ХИЗМАТИ АВТОМОБИЛАРНИ ҚўЛДА ЮВИШ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТ КўРСАТМОҚДА.

Иш вақти — ҳар кун, соат 10 дан 18.00 гача. Адрес: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти (Тошкент отчопари яқинидаги 26-автосавракка ёнида, 17-трамвайнинг сўнги бекети).

Справкалар учун телефон — 76-75-59.

«ҚИРРАЛАР»ДА ЯШАР ДИЁНАТ

ШОИР Жонибек Сувонкуловнинг Ғ. Гулом номидagi «Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Қирралар» шеърини мажмуаси инсон ва унинг маънавий камолоти, виждон, садоқат, диёнат, поклик, имон, қадрият сингари маънавларини қамраб олган. Шоир-шеърининг барча турларига муваффақият билан қалам тeбратган. Тўплам — турли йиллар ижодий изланишлар маҳсули. Унда эҳтиросли ёшлик сатрлари ҳам бор. Бизни шу нарса қувонтирдики, китобда буюртма шеърлар деярли йўқ. Шоирнинг ўз қалиб индоанрига ихтиёр бергани, эл-юрт ташвишларига шериклик, халқ фазилатларидан кўкси тоғлиги ифода-си мажмуа мазмунини ташкил этган.

Инсоний фазилатлар — биз учун ота мерос. Ўтмиш маънавий-тизимиз ҳам қадрланганига муҳтож. Хуллас, «Ассалом, муқаддас олам — шеъринг» мисраси билан бошланган шеър китоб руҳини белгилайди, китобхонини шу дунёга бошловчи давлат бўлиб жаранг-лайди.

Ассалом, муқаддас олам — шеъринг.

Бисотим — қувончу нолам — шеъринг.

Қалб сари қўйилган қалам — шеъринг.

Қутлуғ даргоҳингга кирмоқдир инят, шеъринг.

Виждондан кафолат, гаров, шеъринг.

Шоир ўзининг қалб тебранишларини назм гавҳарига айлантириш учун уларни виждон чигиринидан ўтказди. Ешларни ҳар қандай тубанликдан устун бўлишга, ёруғ туйғулар билан яшашга ва бу борада тоғлардан ўрнат олишга чорлайди:

Тоғларга нақ ёғду эланган,

Тоғлардандек покликнинг бари,

Ж. Сувонкулов китобкон эътиборини бефарқ яшаш оингаларига тортади. Бунинг учун нопок қиёфаларни бирма-бир тасвирлайди:

Лойқалатди роса оқинини Саф бошига ўтган наҳанглар. Чалғитмади йўлдан қим-қимини Кўз олдимиз қоллаган чанглар. Сен билан бир булоқдан сув ичган инсон қиёфасидаги андишасизлар ўтли мисраларда фoш этилади:

Бир булоқдан сув ичади сенинг ёнида

Бир дарахтнинг соясида қилади хузур.

Кўзинг хато бўлдим, бас, тирбионингда

Унинг жирканч ланжаларини кўраман, узр.

Шоирнинг Ватан, она замин ва унинг беқиёс манзараларини маҳз эътибори мисралари ҳам анчагина. Чин инсон учун Ватанининг чадир тиканга ҳам азиз. «Қадим ривоят» шеърини кайфу сафо, айшу-нашратга муккасидан кeтиб, ўз Ватанини унутган Дашти Қишлоқ хонини ҳайла ҳижо қилинади. Гуржистонни душмандан озод қилиб, ўша ерда уйланган хон туғишганларнинг юрта қайтишини сўраб зорланганларга эътибор бермайди. Шунда юртдошларидан бири қўйнидан бир тутам шувoқ чиқаради. Шувoқ ҳидидан маст бўлган хон ўша заҳотидеъ Гуржистонни тарк этади.

Шоир — ўз юртининг акр-акмас бир бўлаги. Ватанининг саратони уни пишитган, вояга етказган. Шунинг учун ҳам у шеърларининг оловор бўлмоғини истади:

Шеърларини тобласа ҳар он Саратонинг олов тугейли!

Ж. Сувонкулов назидида жонажон юртимизнинг ўзига хос меҳрибонлари мавжуд. Шоир уларга шиддаткор равиш қишларат индириган: «Яшил гилда сўзлашувчи майсалар», «Самога дарин сиймай бўзлаган ўрайлар», «Ўрушларга қарши отилган ҳаёт ўчи янглин болдоқлар», «Мавжини ташналарга қўз-қўзлаган чамшалар», «Қаллақлардан тутлару кeспилмағучча ҳаётга тин боқувчи терақлар», ўзбек дeҳқонининг таринман ҳолини бeш қитъага тилмоқсиз сўзловчи пахта... Ватан мазмунини ташкил

этади. Юртининг ҳар бир заррасидан шоир ўзбек халқининг сийрати ва турмуш тарихига оид маъмуз кайф қилади. Унинг:

Ўзанин шохларидан йўралаган кўрақлар.

Дeҳқоннинг митиллашган чўр юраги эмасми?!

мисраларини ҳаяжонсиз ўқимаё бўладими?!

Тўпламдаги шеърларнинг аксарияти қайта қуриш йилларидан илгари яратилган бўлса-да, уларда бугунги кун дардлари ҳам қуйланади. Шоир турғунлик даврида шакланган мўмин-қобил, ҳақ қоли, ноҳақликни ҳимоя қилувчи замондошимиз қиёфасини чизади. Халқимизга хос диёнат мажмуадаги қўнгиша шеърларнинг лейтмотивини ташкил этади.

Маънавий қиёфамиз Ватан тушунчаси сингари мазмунан кенг қамровли ва беқиёс. Замондошларимиз учун ардоқли фазилатлар шоир созида баланд лардаларда қуйланади. Бироқ унинг барча шеърларини ҳам юқори бадий савияда яратилган деб бўлмайди. Айрим мисраларда фикр хомиғи, қўфия учунгина ишлатилган сўзларга ҳам дуч кeламан. Масалан, «Умид тулоғи» шеърини «Уйланган олинс йўл доми» мисрасида «дом», яъни «тулоқ» сўзи ўз ўрнида ишлатилмаган. Ёки «Эзналар» шеърини шоир онанинг ҳеътуёғуларидан ўрипти хулоса чиқара олмаган.

Бу камчиликлардан қатъий назар, шоир дунёқарашида, унинг ўзи бир рубоисинида айтганидек, некинлик кумирон:

Бир юлдўз кўчи деб ўксимга, фалак,

Бағрингда ёнғувчи юлдузлар лак-лак,

Қўнган ўз ўрини топади янча, Бўшлиқларда бўлгач бир мунча ҳалак...

Н. НОРҚУЛОВ,

Низомий номида Тошкент Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси.

СПОРТ

БИЛЬЯРД

ТОШКЕНТДАГИ «Меҳнат резервлари» спорт комплексида бильярд бўйича оқид Осие кубоги мусобақалари ниҳоятга етди. Маъмур турнир на фақат қўнлаб бильярд усталари балки томошабинлар диққатини ҳам ўзига жалб этди. Кубок мусобақаларида москвалик Ю. Пантелеев голиб қиқиб, «Кичик рус пирамидаси» совринини қўлга киритди. Тошкентлик С. Маърифхўжаев кучли тўртликдан ўрин эгаллади.

БОКС

ПОДОЛЬСК шаҳрининг спорт саройида чарм қўнқоқ усталари ўртасида СССР кубоги «Йиллари бошланди. Унда спорт жамиятлари ҳамда ташкилотларнинг 125 боёқсиз иштирок этмоқда. Қатнашчиларнинг аксарияти ешларни ташкил этади. Уларнинг кўнчилиги шу йили Бутуниттифоқ ешлар ўйинларида иштирок этишди. Маъмур турнирда мамлакатимиз терма командаси тренерлари келгусида терма команда составида иштирок этиш учун чарм қўнқоқ усталарини танлашни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган. Ҳозирча мутахассислар мусобақа стартида катта маҳорат кўрсатиб голиб чиққан грузуялик Р. Казанжян, маршуполскилик Е. Зиновлар билан тошкентлик 71 вази тоифасида рингга чиққан А. Ахроровнинг маҳоратини юксак баҳолашмоқда.

Турнир 14 октябрга қадар ўтказилди.

Навбатдаги қабул

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузурдаги жамоатчилик кенгаши навбатдаги қабули бугун — 12 октябрь лашанба кунин соат 17.00 дан бошлаб ўтказилади. Бу сафар меҳнаткашларни жамоатчилик кенгашининг аъзоси, Тошкент шаҳар адвокатлар коллегиясининг аъзоси Мирраҳман Мирзаевор қабул қилади. Жамоатчилик кенгашининг қабулхонаси: Ленинград кўчаси, 32-уй, 7-қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48; 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИНИНГ ҚАБУЛХО. НАСИ.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ ОБУНА ДАВОМ ЭТАДИ. Хурматли газетхонлар! 1990 йил газет ва журналлари учун обуна қилиш муддати аяттирилди. 31 октябргача давом этадиган бўлди. Келаси йил ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мухтазам олиб қуришни истагангиз шу кунларда унга обуна бўлишини унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади. «Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун чекланмаган миқдорда қабул қилинади. Газетанин ОБУНА БАҲОСИ Бир йилга — 7 сўм 68 тиғин, олти ойга — 3 сўм 84 тиғин.